# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2016 йил 13 январь, № 8 (6443) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Пягай Илья Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Мелибаев Жахонгир Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Бурхонов Ахмад Жамолович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Мирзарахимов Яминжон Тоирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Ахунов Виталий Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи чегара район бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Икромов Абдувохид Рискитиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Сон Михаил Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Султанов Наил Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

### «Мардлик» ордени билан

**Абдуғаниев Фарход Рахманбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи взвод командири

**Абдуллаев Улугбек Мухиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бозорбоев Уктамжон Зокиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Исмодиёров Вохид Нортожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мажидов Жамшид Махмадалиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Махмудов Абдурахмон Акрамжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нишанов Дилшод Абдирахимович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Олимов Фарходжон Абдупатохович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод фельдшери

**Рахимов Акмал Ибодуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахмонов Камолиддин Нормуминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сеитмурадов Феруз Джоракулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Турдиев Салим Хайдарович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Умаров Алишер Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Хамрокулов Октам Рахмонкулович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Шарипов Одилжон Умирзокович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Шералиев Икром Акбарович** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

### «Жасорат» медали билан

**Акрамов Дилшод Давлаталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Аллаберганов Зафар Зариббаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Ахмаджон Жалолдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Байкулов Абдурашид Ахмедович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Бекжонов Анваржон Фозилжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бобаназаров Сирожиддин Хаитмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бутакараев Марат Махсетович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Даулетов Даурхан Даулетназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Ёқубов Аброржон Расулжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда).

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси ҳамда 2016 йилдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# Интеллектуал салоҳиятли ва баркамол

Дастур ижросига масъул мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган беқиёс ғамхўрлик туфайли улар улкан ютуқларни қўлга киритаётгани алоҳида таъкидланди. Чунончи, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури навқирон авлоднинг замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир қанча қонунларда ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтирди.

Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури халқимизнинг эзгу орзу-мақсадларига ҳамоҳанг бўлган, мамлакатимизда ақлан етук, жисмонан бақувват, маънан соғлом авлодни камолга етказиш борасидаги ислоҳотларнинг узвий давомини акс эттирган муҳим ҳужжатдир.

(Давоми 3-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

● **Бухорода “Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар” мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тадбирда табиий, аниқ ва амалий фанлар, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича фикр-мулоҳаза юритилди.**

● Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази биноси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

● **Наманган тумани марказий стадиони кенг кўламли таъмирлаш ишларидан кейин замонавий қиёфа касб этди. Стадионнинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

*Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда истиқлолнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деган эди: “Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.”*



Дарҳақиқат, ана шу бебаҳо неъмат туфайли азалий анъана ҳамда қадриятларимиз тикланди, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни бутун дунё билди, тан олди, шаҳару қишлоқларимиз чирой очиб, мамлакатимиз обод бўлди, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалди. Бундай ижобий ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистонимиз энг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлида тараққиёт поллапояларидан дадил кўтарилиб бораётир.

Бугун жаҳон ҳамжамияти юртимиздаги яна бир жиҳатга, яъни халқимиз, миллатимизнинг ўзаро меҳр-оқибати, аҳиллигига ўзгача ҳавас билан қарайди. Айни мана шу омиллар Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик барқарор бўлишида, кўзланган мақсад ва вазифаларнинг рўёбида алоҳида ўрин тутаяпти.

Касбимиз юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, отахону онахонлар, тадбиркору фермерлар, ҳунармандлар, педагоглар, ёшлар, қўйингки, ким билан суҳбатлашмайлик, энг аввало, осмонимиз мусаффолигини таъкидлаб, шукроналар айтишади. Янгиланишлар жараёни ҳақида тўлқинланиб гапиришади. “Бахтлимисиз?”, деган саволимизга эса “Албатта, бахтлимиз. Ахир барча ислоҳот инсон манфаатларига қаратилган. Уларнинг самарасини ҳар биримиз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз” деган жавобни беришади. Бу жуда муҳим. Бинобарин, аҳолимизнинг бугунги кундан рози бўлиб, келажакка катта ишонч билан қараётгани дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказлар тадқиқотларида ҳам яққол ифодасини топаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Солиқ тизими: ИМТИЁЗ ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

### аҳоли ҳамда ишбилармонлар манфаатига хизмат қилмоқда

СЕМИНАР

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори солиқ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётгани, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлар юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган кўргазмали семинарда батафсил сўз юритилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор этишдир.

Маълумки, Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида бир қатор солиқ ва мажбурий тўловлар ставкалари камайтирилиб, берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Хусусан, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси ўтган йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 пунктга камайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилда ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши туфайли тадбиркорлик субъектларида 59 миллиард сўмга яқин маблағ тежалиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизгача, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда эса, ставка 50 фоизга пасайтирилиши тартиби жорий йилда ҳам сақлаб қолинди.

2016 йилдан бошлаб мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (мобиль алоқа компаниялари) учун фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлаш, яъни бу кўрсаткич 20 фоизгача бўлганда, 7,5 фоиз ставкада, 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммасига 50 фоиз ставкада солиқ тўлаш белгиланди.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ирматов Шухрат Муратович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Йулдошев Ибрат Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қурбонов Вахоб Ҳайитқулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Махмудов Баходур Талибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маърупов Маҳмуджон Турсунбоевич** — Андижон шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Мурашкин Андрей Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Норкобилов Исломиддин Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Рахманов Анвар Камбаралиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Рахматов Ойбек Куралбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахматуллаев Умид Анваржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси хизмати катта штурмани

**Рахмонов Акмалжон Миродилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Рўзметов Акбар Эркинбайевич** — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Рўзметов Хамид Садуллаевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Собиров Хушнид Хуршидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Таджиев Олим Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдиев Жуманазар Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

**Турниёзов Азизбек Фарходович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умиров Бекзот Хакимович** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Ураимов Музаффар Зухриддинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Урунов Фарходжон Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хаджиев Дилшод Дамирович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

**Хамзаев Шерали Сохибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Мадамин Менгбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Ходжаев Назим Ихсонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шамурадов Жахонгир Халмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шукуров Бекзод Хазраткулович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Эшанкулов Ғайрат Мелиевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Юлдашев Уктам Мухаммадшарипович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Юсупов Куанишбай Якупбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Астанов Шерзод Бабамурадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Базаров Самандар Сафоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи

**Байходжаев Алерходжа Аскархожаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Бердиев Шухрат Рахманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Беристанов Азамат Кошербаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Гуломов Жохонгир Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исаков Бахтиер Сидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Кайюмов Абдумалик Абдуманапович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Бобир Багадирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси бошлиғи

**Қоҳҳоров Шохбос Гайрат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Кулмурадов Ризамат Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Қурбонов Акмал Мустафақулович** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Қўчқаров Махаммаджон Иброхимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Мадумаров Яхежан Миралимжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бош муҳандиси

**Мажидов Абдурасул Абдухаликович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Маллаев Сардорбек Сидиғалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи назоратчиси

**Маматов Хамидулла Эгамкулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Махкамов Мухтор Махамадумарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Муйдинов Тургунбой Абдихалилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухтаров Фарход Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Надимов Владимир Борисович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Никишин Геннадий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика маркази бошлиғи

**Норпулатов Фархот Холмаматович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди гуруҳи командири

**Раббимов Абдувасиб Сайидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Раджабов Анваржон Муҳаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Рахимов Камолиддин Комилович** — Навоий ҳарбий суди раиси

**Рахимов Улугбек Одилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими катта офицери

**Рахманкулов Данияр Тугамбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлинма бошлиғи

**Рахмонов Давлатёр Бегижонович** — Қарши ҳарбий прокурори

**Саидов Ихтиер Мизрабович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Сапарбаев Эгамберган Раимберганович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сатторов Илхомжон Шухрат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сейтбалиев Рустем Эмиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Степанов Алексей Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Темиров Мамиржон Иминович** — Термиз ҳарбий прокурори

**Трофимов Виталий Дмитриевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усманов Шавкат Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хайитов Мухаммадали Мирзарахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм секцияси командири

**Халилов Равшан Абдуфаттахович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Хусанов Лазиз Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Шаджалилов Азиз Бахтиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди командири

**Шокиров Абдурахмонжон Абдувалижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрназаров Хуршид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Юнусов Зохид Мамарахимович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуразоков Акмалжон Туйчибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Асқаров Қидирбай Караматдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди қутқарувчиси

**Бобоназаров Акмал Косимович** — Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси

**Бойназаров Ихтиер Бахтиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта йўриқчиси

**Ғаниев Жахонгир Сотиболдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джалалов Абдумаъруф Абдукаримович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг катта мураббийси

**Джумаев Рустам Латипович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи катта техниги

**Жуманиязов Баҳромбек Қадамбайевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Икромов Зайниддин Бахриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Йўлдошев Равшан Маратович** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Кадиров Шерзод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Кимсанов Зиевидин Шохобидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Кудратов Нурали Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Мадаминов Хайрулло Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Мирзалиев Хуршудбек Сохибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Мўминов Азамат Тўймуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Пармонов Жахонгир Шодиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи бошлиғи

**Разиков Шаҳбоз Умарович** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси чегара пости контрабандага қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

**Саттаров Ильхом Акбарович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қарши автомобиль мактаби устаси

**Саъдуллаев Шухрат Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаси бош илмий ходими

**Сиддиков Алешер Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси катта ўқитувчиси

**Сормонкулов Адхамжон Райимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Сотволдиев Шерзод Ёқибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суробов Низомжон Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

**Тажибаев Дильмуродбек Гафуржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Темиров Зафар Нуруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турғунов Жамшид Хусан ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Жонибек Турсунбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Урумбаев Абдурасул Эрикович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Хазраткулов Зокир Рахманович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техниги

**Хакимов Сухроб Зохирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Хушназаров Бобоназар Шахриерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Шарипов Эрали Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 январь

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биласиз, Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Ушбу маълумотни кўп бор келтирганмиз. Лекин қанча айтсак шунча арзийди. Чунки бу бизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди.

Аслида турли таҳдидлар, қарама-қаршиликлар кучайган, чегара билмас хатарлар авж олган ҳозирги глобаллашув даврида сарҳадлар дахлсизлигини сақлаш, фаровон ҳаёт барпо этиш осон иш эмас. Улардан тўғри хулоса чиқариш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, мусаффо осмонимизни қадрлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз эканлигини ҳам, бир зумга бўлсин, унутмаслигимиз лозим.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ, узоқни кўзлаб юритилган оқилона сиёсат, жумладан, Ватанимизни ишончли ҳимоя қилиш мақсадида миллий армияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун барчамиз бебаҳо неъматдан баҳра олаяпмиз. Сизу бизнинг бугунги осуда ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан муносиб ҳимоя қилинаётган экан, бу шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур фарзандларимиз ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдирлар. Замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ана шу мақсадга қаратилган. Ҳозиргача кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлиги натижасида шинам, барча қулайлик муҳайё этилган замонавий хонадонларга эга бўлди. Масалан, биргина 2015 йилда Тошкент шаҳри, Наманган, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва бошқа ҳудудларда хизмат қилаётган бир гуруҳ юрт фидойиларига янги уйларнинг калитлари топширилди.

Айни пайтда Наманган вилоятида ўз хизмат вазифасини адо этаётган катта лейтенант Ҳамид Сатторов учун поёнига етган йил унутилмас дамларга, шодиёналарга бой бўлди. У ҳарбий йигитга садоқат ва меҳрини бағишлаган фидойи қиз Моҳинур Ҳайитова билан оила қурди.



Яқинлар, дўстлар, хизматдошлар икки ёшни табриклаб, бахт-саодат тилашди.

Катта ҳаётга қадам қўйган ёшлар, аввало, нимани орзу қилади? Албатта, ўз уйи бўлишини. Ҳамид ва Моҳинурнинг тўйидан икки-уч ой ўтар-ўтмас, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар учун ҳудудда қурилган янги кўп қаватли тураржой фойдаланишга топширилди. Қарангки, ундаги шинам хонадонлардан бири айнан ёш оилага берилди.

— Президентимизга минг раҳмат! Яратилаётган бундай беқиёс шарт-шароитларга муносиб бўлиб, Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини сақлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз, — деди катта лейтенант.

Ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлганлардан яна бири, пойтахтимизда хизмат қилаётган сержант Муроджон Мироқиловдир.

— Мен ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб биламан, — дейди у. — Қадрдон оилам, суйган касбим бор. Турмуш ўртоғим Комилахон билан катта орзу умидлар ила икки ўғилни вояга етказаяпмиз. Мана энди кўркам уйга эга бўлдик. Ҳаёт завқидан баҳраманд бўлиш учун булардан ортиқ яна нима керак? Биз, албатта, билдирилган ишончни оқлаймиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида "Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган", дея таъкидлаган эди.

Демак, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича қилинаётган улкан ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Темур НАРЗИЕВ ва Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ олган суратлар.

## ТАДБИР

Чирчиқ шаҳридаги офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ватан ҳимоячилари — доимо эъзозда" мавзуида тадбир ўтказилди.

# Юрт ўғлонлари — доимо эъзозда

Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари, талабалар, ҳарбий хизматчилар қатнашган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаларида барча зарур шароит яратилгани таъкидланди.

— Бундай тадбирлар қалбимизда ватанпарварлик туйғуларини янада чуқур қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент молия институти талабаси Фирдавс Саидов. — Учрашув давомида юртга муҳаббат, тинчлик тараннум этилган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари иштирокчиларга янада кўтаринки кайфият улашди. Ҳаммамиз катта таассурот олдик.

**С. ҚОСИМОВ.**

Солиқ тизими:

# ИМТИЁЗ ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

## аҳоли ҳамда ишбилармонлар манфаатига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналарда ходимлар сони 25 нафардан 50 нафаргача оширилганда кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Фаолият юритиш жойидан қатъи назар, бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари сотувчи корхоналар учун эса жорий йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар айланмасига нисбатан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

2016 йилнинг 1 январидан эътиборан, норуда қурилиш материаллари (цемент, оҳак, гипс ва бошқа маҳсулотлар хом ашёси)га ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари бирхиллаштирилиб ягона 5 фоизлик ставка белгиланди.

— Иккиламчи хом ашёдан қоғоз ва картон қутилар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ўтган вақт мобайнида солиқ борасида яратилаётган имтиёз ҳамда енгилликлар туфайли ишимизни янада ривожлантириб бормоқдамиз, — дейди "Premium Alliance Papper" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бекзод Муҳаммедов. — Бунда мана бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳам жуда катта. Чунки уларда тизимдаги янгиликлардан бохабар бўлиш баробарида, ўзимизни қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоб олиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланди. Бунда 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона ер солиғини Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги "Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқариш тартиби амалиётга татбиқ қилинди.

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ юкини пасайтириш мақсадида 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг иккинчи шкаласи (энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш баробаригача миқдорда) 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз қилиб белгиланди. Натижада 235 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ишчи ва хизматчилар ихтиёрида қолдириш имконияти яратилди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2015 йил даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Мазкур солиқ ставкаси йил бошида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкаси 15 фоизга индексация қилинди ва солиқнинг асосий ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз миқдорида белгиланди. Алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлган тураржой ва квартираларга 1,8 фоиз, майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлганлари учун эса 2,5 фоиз сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади, бироқ 3 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда солиқ ҳисоблаш тартиби жорий қилинди.

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида 2015 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан ушбу кодекснинг 39 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш учун хабарноманинг уларга берилганлигини тасдиқлаган ҳолда топширилиши билан бир вақтнинг ўзида тўлов хабарномаси солиқни тўлаб бериш тўғрисидаги талабнома вазифасини ҳам бажариши қайд этилган. Давлат солиқ хизмати органига камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш юзасидан судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

Кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима ҳам шу йилдан эътиборан, ушбу кирим қилинмаган товарлар суммасининг 100 фоизи ўрнига 20 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланди. Бу мазкур сумма 5 баробар камайтирилди, деганидир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги Фармони билан акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларни рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун доирасида Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Молия вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ва идоралар масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган бир гуруҳ солиқ тўловчилар Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Кўргазмали семинар беш кун давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Интеллектуал салоҳиятли ва баркамол

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, мазкур дастур навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига оид ишларни мувофиқлаштириш ҳамда таҳлил қилиш, уларни тизимли ва самарали ташкил этиш, ёшлар масаласида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

— Дастур 8 йўналиш ва 90 банддан иборат, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев. — Ўтган йил давомида ушбу ҳужжат доирасида 72 мингдан зиёд лойиҳа ва тадбирлар ўтказилиб, уларда 19,5 миллиондан ортиқ йигит-қизлар қатнашди. Белгиланган вазифаларни ҳудудлар кесимида мониторинг қилиш мақсадида www.yd.uz интернет саҳифаси ташкил этилди.

Матбуот анжуманида дастурдаги ҳар бир йўналиш бўйича масъул саналган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Адлия, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари ахборот берди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилган ҳар бир лойиҳада қатнашганларнинг қамрови 2-3 баробарга ортди.

Йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирларда 3 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этди. Жумладан, умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?", олий таълим муассасаси талабалари ўртасида "Тафаккур синовлари" ва "Талабалар баҳори" фестивали, Конституциямизнинг 23 йиллиги муносабати билан барча ҳудудда "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги" ҳамда интернет тармоғида "Парламентаризм билимдони" каби танловлар ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий билим ҳамда маданиятини бойитишга хизмат қилди.

Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишида ўтказилган тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, республикамизнинг барча жойида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида уюштирилган фестиваль миллий ўзликни англаш, истиқлол ғояси ва бебаҳо қадриятларимизни тарғиб қилишга қаратилди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган лойиҳалар давомида 43 минг йигит-қизга ишга жойлашиш учун йўлланма, 416 нафар ёшга имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилди. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган коллеж битирувчиларининг 6,4 минг нафарига 53,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2015 йилда 2 072 та хонадондан иборат "Камолот" уйлари фойдаланишга топширилди.

Дастурнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш йўналиши тадбирларида 1,5 миллиондан ортиқ йигит-қизлар қатнашди.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларда 4,7 миллиондан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этди.

Дастурга мувофиқ, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди. "Одам савдоси — давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирларга 1,9 миллиондан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Натижада вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони 2014 йилга нисбатан 8,8 фоиз камайди.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни катта. Шунга мувофиқ, ўтказилган "Ёш журналистлар медиа-тренинги", "Йилнинг энг фаол ёш журналисти", "MIT.uz" танловлари ёш журналистларнинг замонавий талаблар асосида билим ва тажрибаларини оширишга хизмат қилди.

Ўсиб келаётган авлодни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш йўналишида ўтказилган тадбирларда 1,7 миллионга яқин ёшлар иштирок этди.

Анжуманда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази**

**бўш лавозимларга танлов эълон қилади.**

**Танловда юқори малакали ва ташаббускор номзодлар иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги умумий талаблар қўйилади:**

— компьютердан фойдаланиш билимига эга бўлиши;

— чет тиллари, хусусан, инглиз тилини билиши;

— иқтисодий шароитларни математик усуллар ёрдамида таҳлил қила олиши лозим.

- «Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори мудири.

**Талаблар:** фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлиш.

- «Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг илмий муаммолари» сектори етакчи илмий ходими.

**Талаблар:** фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлиш.

- «Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори бошлиғи.

**Талаблар:** фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлиш.

- «Ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сектори етакчи илмий ходими.

**Талаблар:** фан доктори илмий даражасига эга бўлиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

- марказ директори номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун);
- маълумотнома (объективка);
- таржимаи ҳол;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломлар нусхаси (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун);
- охирги 3 йилдаги илмий ишлари рўйхати;
- малака оширганлиги ҳамда қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги диплом ва сертификат нусхаси;
- қатнашган илмий лойиҳалари рўйхати;
- илмий шартнома ва келишувларнинг бажарилишида даъвогарнинг аниқ натижалари рўйхати.

**Аризаларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида.**

**Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази ходимлар бўлими.**
**Телефон: (0-371) 239-28-35.**

1873А/869

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2013 йил 9 ноябрдаги 1-417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, О. Сулайманов кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, 1-қавати дўкон, 2-қавати тураржой бўлган, 2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 429 969 514 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 27 январь куни соат 16.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 январь куни соат 18.00. Мазкур бино 2016 йил 27 январь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 12 февраль куни соат 16.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 12 февраль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

47R/02

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланиб, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб туманида жойлашган, ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 176 804 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 22 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

51R/02

**«Universal auktsion invest» МЧЖ**

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 26 декабрдаги № 249 (6432)-сонида берилган реклама эълони сарлавҳасидаги матн «Universal auktsion invest» МЧЖ Жиззах вилояти филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади» ўрнига «Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади» ва «Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган», деб бошланадиган жумла «Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) ва 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган», деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

Гувоҳнома № 004059

37А/33

**«Universal Realtor» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 16 октябрдаги 45966/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ойбек маҳалласи, Уйғур кўчасида жойлашган, умумий майдони 389 кв.м.дан иборат 2 қаватли савдо дўкони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 347 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 28 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 27 январь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй, «Universal realtor» МЧЖ. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

41R/609

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси жамоаси етакчи мутахассис Мурод Қорабоевга отаси

**Абдураҳмон ҚОРАБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН»

## тамойили амалда яққол ўз ифодасини топмоқда

Ўтган 2015 йил иқтисодиётимизнинг барча соҳаси қаторида молия-банк тизимида ҳам улкан муваффақиятлар даври бўлди. Жумладан, банкларнинг жами капитали аввалги йилдагига нисбатан 24,8 фоиз ошиб, ушбу кўрсаткич охирги беш йил мобайнида 2,4 баробар ўсди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тизимнинг самарали бошқарилаётгани муҳим аҳамият касб этди. Соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ютуқлар давомийлигини таъминлаш баробарида, молия муассасаларининг халқаро миқёсдаги мавқеини ҳам юксалтирмоқда.

Юртимиз банк тизими фаолиятига халқаро рейтинг агентликлари томонидан муттасил равишда “Барқарор” рейтинг баҳоси берилаётгани, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Жаҳон банкининг бизнесни юритишга оид 2016 йилга мўлжалланган ҳисоботида Ўзбекистон “Кредитлаш тизими” бўйича 189 давлат орасида 105-ўриндан 42-ўринга кўтарилгани, АҚШнинг “Global Finance” журнали рейтинг баҳосига кўра, дунё Марказий банклари орасида Ўзбекистон Марказий банки янада юқорилагани бунинг яққол тасдиғидир. Буларнинг барчаси республикамизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорларнинг тизимга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

### Тадбиркорлар хизматдан мамнун

*Маълумки, Мўйноқ тумани мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидан бири саналади. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда туман иқтисодиётининг барча тармоғида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.*

Зотан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатнинг янги йўналишларини ўзлаштириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилаётган изчил чора-тадбирлар мўйноқликларнинг осойишта ва фаровон яшашида муҳим омил бўлаяпти.

Дарҳақиқат, бугунидан мамнун, эртанги кунидан кўнгли тўқ ҳар бир фуқаро туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга интилмоқда. Бунинг учун эса етарли шароитлар мавжуд. Хусусан, банкларнинг самарали фаолият юритиб, зарур сармояларни ўз вақтида ажратаётгани, намунали хизмат кўрсатаётгани туфайли ишбилармонлар сафи кун сайин кенгайиб бораяпти. Бинобарин, тумандаги тижорат банклари томонидан ўтган беш йил давомида тадбиркорлик субъектларига жами 9 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар тақдим этилди. Ушбу маблағларнинг 1,8 миллиард сўми озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, 700 миллион сўмликдан кўпроғи хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантиришга, 750 миллион сўмликдан зиёди тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 800 миллион сўмликдан ортиқ имтиёзли кредитлар эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишбилармонликка жалб этиш учун йўналтирилди. Пировардида 1291 киши доимий иш билан таъминланди.

— Банкларимиз фаолиятидан мамнунмиз, — дейди “Мўйноқ — Урганч қурилиш комплекси” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Санъатбек Ўрозбоев. — Яратилган шароитлар туфайли қисқа муддатда 388 миллион сўмлик кредит олиб, 5 кишини иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик.

Шу ўринда айтиш жоизки, банк томонидан ажратилган кредитдан унумли фойдаланиш мижоз зиммасидаги масъулиятдир. Чунки қарзни ўз вақтида қайтарган тадбиркор бошқалар учун ҳам имконият яратади. Бунинг учун, албатта, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли билимга эга бўлиш керак. Марказий банк томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли семинар ҳамда учрашувлар бу борада бизга катта ёрдам бўлаяпти.

— Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда банклар муҳим ўрин тутади, — дейди тумандаги “Маденли” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Кенесбай Казакбаев. — Уларнинг сармояси эвазига ишбилармон бўлиб, турмушини янада яхшилаб олаётган, пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиб, юртимиз иқтисодиётига наф келтираётган маҳалламиздаги фермерлар фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса, ёшларимиз шижоатини айтмайсизми?! Уларнинг ташаббуси билан сўнгги пайтларда ҳудудимизда бир нечта хизмат кўрсатиш ҳамда савдо шохобчалари барпо этилди. Савдо дўконларида кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган барча маҳсулот мавжуд.

Қисқача айтганда, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили амалда яққол ўз ифодасини топаётгани Мўйноқ тумани мисолида ҳам намоён бўлмоқда.

### Ишбилармонлар шижоати

*Мамлакатимизда банк тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларни турли тўсиқлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Навоий вилоятининг олис ҳудудларидан бири бўлмиш Томди туманида ҳам ўзининг ижобий самараларини бераётир. Бу ерда ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда.*

Гап шундаки, охирги беш йил мобайнида мазкур туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун банкларимиз томонидан жами 14,9 миллиард сўмликдан зиёд маблағ ажратилди. Унинг қарийб 1,2 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси учун, 3,6 миллиард сўми озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга, 1,5 миллиард сўми тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга, бир миллиард сўми эса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилгани диққатга сазовордир. Натижада 4253 кишининг бандлиги таъминланди.

— Биз, тадбиркорлар фаолияти банкларнинг доимий эътиборида эканидан хурсандмиз, — дейди “Томди Файз барака” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳриддин Суннатов. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ишимизни янада ривожлантиришда катта ёрдам бўлди. Чунки мазкур Фармонда ишбилармонларнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда ўрнини тубдан юксалтириш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай муҳит яратиш бўйича бир қатор долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада республика Марказий банки ходимлари туманимизнинг барча маҳалласида алоҳида амалий учрашувлар ўтказиб, ушбу ҳужжат асосида тадбиркорлар учун яратилган имтиёзларни батафсил тушунтириб беришди. Эътиборлиси, бундай мулоқотларда кўпгина тадбиркорларимизга амалий ёрдам ҳам кўрсатилди. Ишбилармонлар кредит сўраб мурожаат қилиши биланоқ банкларимиз уларнинг истагини ўз вақтида қаноатлантираяпти. Масалан, ўзим ҳам 2015 йили молия муассасалари томонидан туманимизда ташкиллаштирилган учрашувларнинг бирида қатнашиб, тадбиркор бўлишга аҳд қилган эдим. “Интилганга толе ёр” деганларидек, банкнинг 700 миллион сўмлик кредити ишимизни ривожлантириб юборди. Чунончи, ушбу сармоя эвазига 4 дона автосамосвал ҳамда тош майдалаш ускуналари харид қилиб, касб-ҳунар коллежининг 30 нафардан ортиқ битирувчисини иш билан таъминладик.

Айтмоқчиманки, банкларимиз бор экан, бундан кейин ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаверамиз.



### Ишонч — барқарор фаолият кафолати

*Тижорат банклари деҳқонободлик тадбиркорларнинг ҳам яқин кўмакчиси, беминнат мададкори, десак, муболаға бўлмайди. Ўтган уч йил давомида уларга 40,8 миллиард сўмликдан зиёд, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 6,6 миллиард сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 846 миллион сўмликдан ортиқ, ишбилармон хотин-қизларга 4,2 миллиард сўмликдан зиёд, хизмат кўрсатиш соҳасига 5,5 миллиард сўмликдан кўпроқ кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.*

Таъкидлаш жоизки, бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу борада, айниқса, тизимга қаратилаётган катта эътибор ва молия муассасалари томонидан замон талаблари даражасида хизмат кўрсатилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

— “Агробанк”нинг Деҳқонобод филиалидан 215 миллион сўм миқдорида кредит олиб, хизмат кўрсатиш мажмуаси фаолиятини йўлга қўйган эдик, — дейди “Коинот Транс Сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жума Дониёров. — 20 нафар маҳаллий ёшни ишга жалб қилдик. Банкнинг амалий кўмаги туфайли мулкдор бўлганимиздан хурсандмиз. Зотан, корхонамиз жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда бизга хизмат кўрсатувчи молия муассасасининг ўрни беқиёс. Шуни ҳисобга олиб, келгусида ҳам ушбу банк сармоясидан фойдаланган ҳолда, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

### 34 миллиард сўмлик кредит

*Бойсун тумани аҳли билан ҳам суҳбатлашсангиз, тижорат банклари хизматидан мамнун эканликларини билдиришади. Чунки тадбиркорлар молия муассасалари томонидан ажратилган кредитлар эвазига улкан муваффақиятларга эришишмоқда.*

Жумладан, ўтган беш йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик бизнес субъектларига 5 миллиард сўм, маиший ҳамда сервис хизмати кўрсатиш соҳасига 5,1 миллиард сўм, тадбиркор аёллар учун 2,8 миллиард сўм, ёш ишбилармонларга 1,4 миллиард сўм, жами 34 миллиард сўм миқдорида сармоя ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳудудда ишбилармонлар сафи кенгайиб, минглаб кишининг бандлиги таъминланди.

— Мамлакатимизда оналар ва болалар, умуман, халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди “Омонхона” даволаш маскани раҳбари Бахтиёр Жўраев. — Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ҳудудимиздаги ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш ҳамда даволаш хусусиятига эга шифобахш булоқ ёнида даволаш масканини қуриб, юртдошларимизга тиббий хизмат кўрсатиб келаяпмиз. Шифохона биносини барпо этиш, хориждан замонавий тиббий ускуналар келтиришда эса банк томонидан ажратилган маблағдан унумли фойдаландик.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудидан келган беморлар бу ердан соғайиб кетмоқда. Уларга 20 нафар малакали шифокор ва ҳамширалар хизмат кўрсатишади.

Банклар бизнинг ишончли ҳамда кафолатли ҳамкоримизга айланаётганидан мамнунмиз. Ўйлаймизки, ўзаро ишонч асосига қурилган алоқаларимиз бундан кейин ҳам давом этиб, уларнинг кўмаги билан яна кўплаб эзгу ниятларимиз амалга ошаверади.

### Юксак марраларни кўзлаб

*Республикамизда мустақиллик йилларида бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётгани, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ҳамда фаровонлик, молиявий барқарорлик шарофатидир.*

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаяптики, эндиликда бунинг самараси амалда яққол намоён бўлаётир. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилаётир. Зеро, тижорат банклари барқарор фаолият кўрсатиб, соҳа вакилларининг ҳақиқий кўмакчисига айланаяпти. Сўнгги беш йил мобайнида улар томонидан тумандаги ишбилармонларга 31,6 миллиард сўм миқдорида кредит тақдим этилгани, ушбу сармоянинг асосий қисми иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига йўналтирилгани фикримиз тасдиғидир.



Яна бир эътиборли жиҳати, иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига бериш орқали соғломлаштириш ҳамда кейинчалик салоҳиятли ишбилармонларга сотиш амалиёти ҳам ўзини ҳар томонлама оқламоқда. Чунки ҳозирги кунда республикамизда мазкур тадбир орқали нафақат қайтадан ишга тушган, балки барқарор фаолият юритиб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб олаётган корхоналар ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шулардан бири — “Олот текс” корхонаси “Асака” банки сармояси эвазига қайта тикланиб, айни пайтда самарали фаолият кўрсатаяпти.

— Ушбу хўжалик юритувчи субъектни замонавий технологиялар билан жиҳозланганидан сўнг сотиб олдик, — дейди “Магнат Риск барака сервис” МЧЖ раҳбари Умид Турдиматов. — Айни пайтда бу ерда 88 киши иш билан банд. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли тайёрлаётган маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилаяпмиз.

Маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётганимиз боис даромадимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда. Тадбиркорга елкадош бўлган банкларимизнинг ана шундай амалий ёрдами билан биз, ишбилармонлар сафи кўпайиб, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушимиз тобора ошиб бораяпти. Шунинг учун ҳам банк тизимига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётир. Бизга барча шарт-шароитни яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон банк тизимининг самарали фаолият юритаётгани олис ва чекка ҳудудларда ҳам саноат салоҳиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, кредитлашнинг тартиб-қоидалари соддалаштирилганлиги тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиши баробарида, ялпи ички маҳсулот таркибида уларнинг улуши муттасил равишда ортиши, халқимизнинг ҳаёт даражаси тубдан яхшиланишида мустаҳкам замин бўлмоқда. Зеро, жойларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам ана шундан иборат бўлиб, истиқболда унинг самараси янада залворли бўлиши муқаррардир.

**Марказий банк материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

### МУНОСАБАТ



**Гулнора МАҲМУДОВА, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси:**

— Хотин-қизларни тадбиркорликка кенгроқ жалб этишда ишончли ва барқарор банк тизимининг ўрни ниҳоятда катта. Хусусан, республика Марказий банки билан ҳамкорликда юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида коллежларни битирган қизлар, тадбиркор аёллар иштирокида ўтказилаётган амалий учрашувлар кутилган самарани бераётир.

Тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йил сайин ўсиб бораётгани, жумладан, сўнгги 10 йил давомида у 30 бараварданзиёд ортгани, шунингдек, ўтган йилда бир триллион 255 миллиард сўмлик сармоялар ажратилгани бунга мисол бўла олади. Бинобарин, ўз вақтида берилаётган кредитлар эвазига юзлаб ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилаётгани, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси жадал ривожланаётгани, мамлакатимизнинг барча ҳудудида минглаб иш ўринлари яратилаётгани диққатга сазовордир. Бу, ўз навбатида, опа-сингилларимизни руҳлантириб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Банк тизимида опа-сингилларимиз учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани боис ҳам тадбиркор аёллар сони кўпаймоқда.

Шуларни назарда тутиб, ассоциациямиз ва юртимизнинг барча тадбиркор аёллари номидан банк тизими раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдириб, ҳамкорлигимиз давом этишига умид қиламиз.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 154 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5